



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 27
(534)
2007 йил
3 июль
сешанба

MEZON

Бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки галла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Ислом КАРИМОВ

Inson hayoti — oliy qadriyat

Халқпарварлик, инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизimini эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда химоя қилиш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимига бошқича-бошқича амалга оширилаётган туб ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бераётди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида: «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўрнида ган айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда...» — дея таъкидлаганди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, Давлатимиз раҳбарининг савий-ҳаракатлари туфайли, Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси белгиланган моддалари сони бошқича-бошқича қисқартириб келинди. 1994 йили бундай моддалар сони 33 тадан 13 тага, 1998 йили 8 тага, 2001 йили 4 тагача камайтирилди. Айни вақтда ўлим жазоси 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, 2 ҳолатда содир этилган жиноятлар учун (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирishi ва терроризм) жазо тарихида қўлланилиши назарда тутилган, холос. Ислохотларнинг изчил ва манتيкий давоми сифатида 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонни уч нукта назардан: — биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа; — иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий тарихий қисми ва муҳим бошқичи; — учинчидан, Ўзбекистонда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган дадил қадам, деб баҳолаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур Фармонга биноан, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиний жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади.

Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда асрлар мобайнида жинийликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги даврда ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки, БМТнинг итисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 1984 йил 5 майда маъқулланган «Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини химоя қилишни таъминлаш чо-

ралари» ва 1989 йил 24 майда тавсия этилган «Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари» номида халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қатор талаблар қўйилган. Бу талаблар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўз аксини тўла топган. Демократизми, ўлим жазосига оид амалдаги қонунчиликнинг халқаро андозаларга тўла мос келади.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча мамлакатларни ўлим жазосини бекор қилишга ва бу ҳақда мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда мазкур Баённомага 62 мамлакат қўшилган. Ана шу давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланганидек, жиний жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг изчил давом этаётганидан далолатдир. Мазкур Қонуннинг биринчи моддасида Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг иккинчи моддаси Жиноят-процессуал кодексига, учинчи моддаси Жиноят-иҷроия кодексига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланган. Жумладан, Қонуннинг биринчи моддасига кўра, Жиноят кодексининг 15-моддасига ўзгариш киритилиб, ўта оғир жиноятларни қасддан содир этиб, ўн йилдан ортиқ муддатта озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар кўрсатиб ўтилган. (Давоми иккинчи бетда)




«ЎЗДЭУавто»: Истиқлол имконияти

Хабарингиз бор, газета-мизда мустақиллик йилларида юртимизда содир бўлаётган бунёдкорлик ишлари юзасидан вилоятлар миқёсида саҳифа бериб борилаётгани.

Истиқлолнинг 16 йиллигига бағишланган навбатдаги саҳифада Андижон вилоятидаги ўзгаришлар, одамлар кайфияти, турмуш тарзи ва ҳаёти акс этади.



Бугунги Андижон



Назорат йўлга қўйилди

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан «Инсон ва қонун» газетасида чоп этилган «Коврак кушандалари» сарлавҳали фельетонда баён этилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Хусусан, 2007 йил 7 июнда Бойсун туман прокурори томонидан «Дарбад», «Бойсун», «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда «Шўроб», «Пулҳоким», «Инкабод», «Работ», «Тангимуш» ва «Даштигоз» маҳалла фуқаролар йиғини раислари, Шўроб маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Уч арра» ҳамда «Мияли» фермер ҳўжаликлари ва Бойсун ўрмон ҳўжалиги раҳбарларига, шунингдек, Узун туман прокурори томонидан туман табиати муҳофазаси қилиш инспекцияси бошлиғи А.Бобочолов, Боботоғ ўрмон ҳўжалиги директори Н.Сафаров ва Боботоғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Шукроровларга қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирувлар эълон қилинган.

Сассиқ коврак ўсимлиги ширасини йиғиштириб олишга руҳбат бериш қонуний йўл билан Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасига юқлатилганга қарамастан, Бойсун тумани ҳокими томонидан 2007 йил 16 май кунини туманда коврак ва бошқа доривор ўтларнинг захирасини аниқлаш, уларнинг йўқолиб кетишининг олдини олиш ҳамда янги плантациялар ташкил этиш ҳақида 31-Ф сонли фармойиш қабул қилинганлиги аниқланди.


Фармойишда бошқа ваколатли идоралар билан бир қаторда «Табиат-Био-Экология» ишлаб чиқариш илмий тажриба хусусий корхонасига ҳам Бойсун туманидаги шир-

кат, коврак ва бошқа доривор ўтлар билан қопланган майдонларни ва унинг табиий захирасини аниқлаш ҳамда худудлар бўйича харитага тушириш гайриқонуний равишда юқлатилганлиги сабабли 2007 йил 28 май кунини вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилди ва ушбу ҳужжатнинг 2007 йил 7 июнда бекор қилиниши таъминланди.

Ҳозирги кунда вилоят прокуратураси органлари томонидан жойлардаги ҳокимликлар, табиати муҳофазаси қилиш органлари, ўрмон ҳўжаликлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда сассиқ коврак ўсимлиги ширасининг ноқонуний йиғиштирилишининг олдини олиш борасида қатъий назорат йўлга қўйилди.

Б.ЭРГАШЕВ,
Вилоят прокуратураси биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

«ИНСОН ва ҚОНУН» га жавоб берадилар



Олий ҳўжалик судига юборилди

Газетанинг 2007 йил 15 май сонидa чоп этилган «Сохта дипломи фермер» сарлавҳали мақоладаги ҳолатлар Қашқадарь вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Чироқчи туман «Жовлиев Холбўта Эшмуродович» фермер ҳўжалигининг даъво аризаси бўйича жавобгарлар Чироқчи туман ҳокимлиги ва Чироқчи туман «Амиркулов Ботир Овлоқович» фермер ҳўжалигига нисбатан туман ҳокимининг 29.07.2006 йилдаги Х-787/7-сонли қарорини тўлиқ ва 08.11.2006 йилдаги Х-1066/11-сонли қарорининг ер ажратиш қисмининг ҳаққий эмас деб топиш ҳақидаги ҳўжалик иши вилоят ҳўжалик суди биринчи инстанцияси томонидан 26.02.2007 йилда кўрилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган.

18-0705/1474-сонли ҳўжалик иши жавобгарнинг апелляция шикоятига асосан, вилоят ҳўжалик суди апелляция инстанцияси томонидан 20.04.2007 йилда кўрилиб, Чироқчи туман ҳокимлигининг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорини ўзгариштириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда, 18-0705/1474-сонли ҳўжалик иши бўйича чиқарилган апелляция қарори устидан даъвогар «Жовлиев Холбўта Эшмуродович» фермер ҳўжалигининг келтирган кассация шикоятига асосан, ҳўжалик иши вилоят ҳўжалик суди томонидан кассация инстанциясида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига юборилган.

М.КАРИМОВ,
Вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Қарз тўлиқ қопланди

Фуқаро Ё.Ҳайдаровнинг қарздор Д.Ҳайдаровдан икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги суд қарори ижроси таъминланмаётганидан норози бўлиб, тахририятга ёзган аризаси Суд департаментининг Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аризани ўрганиш жараёнида суд ижроси томонидан амалга оширилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздор Д.Ҳайдаровдан алимент бўйича қарзи — жами 145,0 миң сўм ундирилиб, ундирувчи Ё.Ҳайдаровага тилхат орқали топширилган ва алиментдан бўлган қарзи тўлиқ қопланган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судининг 2007 йил 16 февраль кунги қарорига асосан, қарздор Д.Ҳайдаров икки нафар фарзандлари моддий таъминоти учун алимент тўлашдан озод қилинган.


Ш.ДАВЛЕТОВ,
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бош инспектори

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилди ва бу билан тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонуний кафолатланди. Чунки, давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармонининг қабул қилиниши ҳам фикримизга яққол далил бўла олади. Мазкур Фармонга мувофиқ ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятидаги текширишлар сони сезиларли даражада қисқарди.

Adliya yordam berdi Текширувчи жаримага тортилди

Шуни айтиш жоизки, назорат қилувчи ва ҳуқуқий муҳофазаси қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юртувчи субъектларда ўтказилаётган текширишларни тартибга солиш мақсадидa «Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини текшириш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий химоясини таъминлаш борасида қабул қилинган ушбу қонун ҳужжатларининг амалда туриши ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан доимий назорат амалга оширилмоқда ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва уларнинг қонуний манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилмоқда. Зеро, қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўқсинлик қилиш, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибин бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш — бу гайриҳуқуқий ҳаракат ёки



ҳаракатсизликдир ва бунинг учун тегишли маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Мана бу мисоллар ҳам фикримизга далил бўла олади. Тошкент вилояти Пскент туман ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори — капитан Б.Шоматов томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режа-жадвалига асосан туманда фаолият кўрсатувчи «Сохиба» хусусий корхонасида 2007 йилнинг январь ойида текшириш ўтказилган бўлиб, унда «Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текшириш рўйхатга олиш китобини текшириш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бузилган, «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг 5-устуни тўлдирилмаган, яъни, тадбиркорлик субъектларини текшириш учун асос қўрсатили-

маган.

Ушбу ҳолат юзасидан адлия органлари ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиний ишлари бўйича Пскент туман судига юборилди ва мазкур суд қарори билан 2007 йил 3 май кунини Б.Шоматов Маъмурий ҳўжабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 (уч) баравари миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрн эгаллаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият юрйтиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тадбиркорлар химоясини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўйхатга чиқаришга қўмақлаш лозим.

Урол ОСТОНОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда ўзига хос ва мос ўрин тутадиган вилоятга айланди. Ислон КАРИМОВ

Олдимизга кўйилган асосий вазифа

андижонликлар учун гўзал, фаровон, муносиб турмуш тарзини яратишдан иборат

Андижон вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил топган. У Фарғона vodiysining шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шарқда Қирғизистон Республикаси ва жанубий қисмида Фарғона вилояти ҳамда шимолий қисмида Наманган вилояти билан чегарадош. Вилоятнинг ер майдони 4,3 минг квадрат километрдан иборат. Аҳолиси сони — 2379,6 миң киши. Айтиш мумкинки, вилоятда 102 та миллат ва эллат вакиллари яшайди. Аҳолининг 544.534 нафар олий маълумотли. Аҳолининг 72,5 фоизи табиий газ, 90 фоизи ичимлик суви билан таъминланган.

Вилоят маркази — Андижон шаҳри, вилоят таркибидан 14 туман, 3 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар, 853 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Шунингдек, 746 та умумтаълим мактаби, 85 та ўрта махсус касб-хунар коллежи, 485 та кутубхона, 5 та олий таълим муассасаси, 83 та шифохона, 560 та поликлиника ва амбулатория, 73 та қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти.

Андижонни кўркам ва обод, ҳар томонлама ривожланган, иқтисодий имкониятларга бой вилоятлардан бирига айлантириш учун бугунги кунда ҳудудимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан ўртага ташланган устувор йўл-йўриқлар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли вилоят дастури ишлаб чиқилди. Ҳукуматимизнинг амалий ёрдамлари натижасида халқ ҳўжалигининг муҳим соҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди. Бугун вилоятда ўзига хос ривожланишга эришиш учун кўйилган саволларга жавоб топиш зарур, деб ўйлайман. Биринчидан, вилоятни қайси йўл билан янгилаш ва тараққиёт босқичига кўтариш мумкин? Аҳоли турмуш тарзи фаровонлигини ошириш, одамларнинг эртанги кунга ишончини кўчатириш, шаҳар ва қишлоқлардаги кўч-баракани, файзбўлишни талаб даражасига кўтариш учун яна нималарни амалга ошириш лозим?

Энг аввало, вилоят иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизацияни таъминлаш учун унинг энг муҳим тармоқларини техник, технологик жиҳатдан ян-

гилаш зарур. 2006 йилда ишловчи муваффақиятини таъминлаш юзасидан муайян натижаларга ҳам эришилди. Жумладан, молиялашнинг барча манбалари ҳисобига ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 126,5 миллиард сўмга етиб, хорижий сармоялар 9,6 миллион АҚШ долларини, шундан тўғриван-тўғри сармоялар 4,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Яна бир ижобий ўзгариш, одамларда мулкка эгалик муносабати кўчайди. Ташаббускорлик, тадбиркорлик, табиий бойликлардан масъулият билан фойдаланиш ҳисси шаклланди. Очиқ айтиш мумкинки, вилоятда 65 та ширкат ҳўжалиги негизда 3963 та фермер ҳўжалигининг ташкил этилиши қишлоқ ҳўжалигида ишловчи муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўртбошимиз томонидан кўйилган муҳим йўналишлардан бири — бу иш ҳақи миқдори ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш боришни таъминлашдан иборатлиги кишиларни янада фаолликка ундаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, иш ҳақининг оширилиши кўлаб омили ва сабабларга, биринчи навбатда иқтисодий тараққиёт самарадорлигига, корхоналар раванки ва



вилоятнинг молиявий барқарорлиги ўсиши, пул муомаласининг мутаносиблиги, ички бозорнинг харидорлиги, сифатли маҳсулотларга тўлдирилишига ҳамда инфляция даражасига боғлиқ. Акс ҳолда, нарх-навоининг кўтарилиши иш ҳақининг оширилишини йўққа чиқариши мумкин.

Халқимизнинг соғлом ва гўзал турмуш тарзини таъминлашда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг кўлаб-қувватланиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2006 йилнинг ўзига қараб бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 41 миңдан зиёд янги иш

ўрни яратилди. Бунинг учун янги корхона эки завод-фабрика барпо этилмади, бироқ мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига шундай ҳазинага эга бўлди. Бу эзу ичининг дебоҳасидир, ҳолос. Унинг самарасига тўғриван-тўғриван яна қанчадан-қанча юртдошларимиз эса хунармандлар, тадбиркорлар, касаначилар сафидан жой олишди.

Лекин, айтиш мумкинки, таъминоти, энгил саноат, трикотаж, тикуччилик буюмлари каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган соҳалар, шунингдек, қурилиш материаллари саноатида кичик ва ўрта

бизнеснинг ўрни кўнгилдагидек эмас. Олдимизда турган вазифа мана шу тармоқнинг янги худудий маҳсулотдаги улушини 46 фоизга етказишдан иборат.

Айни вақтда «ЎзДЭУавто» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси кўтарилаётганиги, унга хизмат қилувчи инфратузилма кенгайтирилган ҳақида бюджет тушувларининг йилдан-йилга ортиб бораётганиги натижасида Андижон 2007 йилдан бошлаб республика бюджетидан дотация олувчи вилоятлар сафидан чиқди.

Вилоят иқтисодиётининг хусусий секторини ривожлантиришда банк тизимининг самарали фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Тўғриси, бугунги кунда уларнинг ишидан қониқ хосил қилинмаётгани. Бу ҳолат, айниқса, тадбиркорларга узоқ муддатли кредит беришни кўпайтириш ва бу жарафани имкони қадар энгиллаштириш масаласида кўзга ташланмоқда.

Чиндан ҳам банклар иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Бунинг натижасида уларнинг умумий инвестициялар таркибидagi салмоғи ўтган йили атиги уч фоизни ташкил этди. Хаттоки, кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган чет эл молиявий ташиқлотлари-


нинг кредит линиялари ҳам айнан шундай бюрократик тўсиқларга дуч келаётганини қандайдан баҳолаш мумкин?

Шубҳасиз, банклар ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифалардан яна бири — одамларнинг ишончини оқлаш, чинакам ҳамкор деб қарашга эришишдир. Ҳисоб-рақамдаги маблағларни пул шаклида олишдаги қийинчиликлар тадбиркорларни ўз тушувларининг бир қисмини яширишга ва уни зарур мақсадлар учун банкдан ташқарида фойдаланишга мажбур қилаётганликлари ҳам кредит муассасалари раҳбарларини чуқур ўйлантирадиган муаммодир.


2007 йил мамлакатимизда «Иқтисодий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Бизнинг олдимизга қўйилган асосий вазифа шуки, пушта ишлаб чиқилган дастур ва режаларимизнинг асосий йўналишини Андижон халқи учун гўзал ва фаровон турмуш тарзини яратиш беришига, янгилашни ва тараққиёт сари дадил олган интилишга қаратилганлик керак. Бунинг учун вилоятда юқоқ ишлаб чиқариш салоҳияти, тажрибали раҳбар ва мутахассислар, энг асосийси, чинакам ишлёткич бўлсин.

Одилкон АБДУРАИМОВ,
Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Юрт жамоли



Истироҳат боғи



Иқтисодиёт касб-хунар коллежи



Боғи Бобур мажмуаси



Конституция майдони



Баркамол авлод спорт мажмуаси

Файз-барака тимсоли

Маълумки, шу йилнинг 21 июнида мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишловчи муваффақиятини таъминлаш юзасидан кенг қамровли вилоят дастури ишлаб чиқилди. Ҳукуматимизнинг амалий ёрдамлари натижасида халқ ҳўжалигининг муҳим соҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди. Бугун вилоятда ўзига хос ривожланишга эришиш учун кўйилган саволларга жавоб топиш зарур, деб ўйлайман. Биринчидан, вилоятни қайси йўл билан янгилаш ва тараққиёт босқичига кўтариш мумкин? Аҳоли турмуш тарзи фаровонлигини ошириш, одамларнинг эртанги кунга ишончини кўчатириш, шаҳар ва қишлоқлардаги кўч-баракани, файзбўлишни талаб даражасига кўтариш учун яна нималарни амалга ошириш лозим?

Энг аввало, вилоят иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизацияни таъминлаш учун унинг энг муҳим тармоқларини техник, технологик жиҳатдан ян-

гилаш зарур. 2006 йилда ишловчи муваффақиятини таъминлаш юзасидан муайян натижаларга ҳам эришилди. Жумладан, молиялашнинг барча манбалари ҳисобига ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 126,5 миллиард сўмга етиб, хорижий сармоялар 9,6 миллион АҚШ долларини, шундан тўғриван-тўғри сармоялар 4,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Яна бир ижобий ўзгариш, одамларда мулкка эгалик муносабати кўчайди. Ташаббускорлик, тадбиркорлик, табиий бойликлардан масъулият билан фойдаланиш ҳисси шаклланди. Очиқ айтиш мумкинки, вилоятда 65 та ширкат ҳўжалиги негизда 3963 та фермер ҳўжалигининг ташкил этилиши қишлоқ ҳўжалигида ишловчи муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўртбошимиз томонидан кўйилган муҳим йўналишлардан бири — бу иш ҳақи миқдори ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш боришни таъминлашдан иборатлиги кишиларни янада фаолликка ундаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, иш ҳақининг оширилиши кўлаб омили ва сабабларга, биринчи навбатда иқтисодий тараққиёт самарадорлигига, корхоналар раванки ва

вилоятнинг молиявий барқарорлиги ўсиши, пул муомаласининг мутаносиблиги, ички бозорнинг харидорлиги, сифатли маҳсулотларга тўлдирилишига ҳамда инфляция даражасига боғлиқ. Акс ҳолда, нарх-навоининг кўтарилиши иш ҳақининг оширилишини йўққа чиқариши мумкин.

Халқимизнинг соғлом ва гўзал турмуш тарзини таъминлашда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг кўлаб-қувватланиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2006 йилнинг ўзига қараб бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 41 миңдан зиёд янги иш

ўрни яратилди. Бунинг учун янги корхона эки завод-фабрика барпо этилмади, бироқ мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига шундай ҳазинага эга бўлди. Бу эзу ичининг дебоҳасидир, ҳолос. Унинг самарасига тўғриван-тўғриван яна қанчадан-қанча юртдошларимиз эса хунармандлар, тадбиркорлар, касаначилар сафидан жой олишди.

Лекин, айтиш мумкинки, таъминоти, энгил саноат, трикотаж, тикуччилик буюмлари каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган соҳалар, шунингдек, қурилиш материаллари саноатида кичик ва ўрта



Тадбирли танг қолмайди

Аваллига Абдулхамиднинг уринишларига қадрдорларини ҳам ишонқирамайроқ қарашганди. У ёққа югуриб, бу ёққа югуриб, ўзи хорийди, дегуви-чилар ҳам бор эди.

Билганича тун бичанларга Абдулхамид амалдаги иши билан жавоб қайтарди. Билганидан қолмади. Ҳаракатларига «Микрокредитбанк» мутасаддилари ҳам қўмақлашди. «Зумрад Ахрор» хусусий мебелчилик корхонасининг очилиши ана шу тарз-

Дунёга доврўқли ўғлон

— Руслан Чагаев менинг ўқувчим



Унинг ғалабасини бутун ўзбек спорти, хусусан, Андижон боксининг ғалабаси, 2007 йилнинг энг оламшумул воқеаси бўлди, дейиш мумкин. Бу муваффақиятидан кейин шоғирдимга бугун дунё тан берди. Тан бермай йложи ҳам йўқда. Ҳали унга, умуман Ўзбекистоннинг мундарибаси давлатимиз раҳбарининг «Чеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга танита олмайдми», деган пурҳикмат сузларини ўн чандон исботлади.

Айни пайтда миңлаб андижонлик ёшлар бокс билан шуғулланишди. Уларнинг кайфияти ўзгача, озураулар Русландек жаҳон чемпиони, буюк спортчи бўлиб, юртимиз байроғини янада кўкларга кўтаришди.

Ўзбекистонга қайтган Руслан жонажон мактабига келди. Биз устозлар, мактаб жамоаси уни катта қувонч билан кутиб олдиқ. У ўзи ўқинган синфга кириб, мен билан суратга тушганида, ростки, кўзимдан шашқор ёш оқди. Шундай баҳодир ўғлоннинг устози бўлганимдан, у сингари бўлажак чемпионларга таълим бераётганимдан қайта-қайта фарқландим. Бундай бахт ҳамма ҳамкасбларимга ҳам насиб этсин, дейман.

Галина СТУДНИКИНА,
Андижон шаҳридаги 50 — умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Бугунги кунда вилоятимизда тадбиркорлар ҳўқуқини ҳимоя қилиш тизими тўлиқ шаклланди, десак янглишмаймиз.

Андижон вилоят адлия бошқармасига Шаҳрихон шаҳар Абдулла Қаҳҳор кўчаси 9-уйда яшовчи яққа тартибдаги тадбиркор А.Зиёев шикоят ариза билан мурожаат қилиб, СВОЖДЛКК Департаменти Шаҳрихон шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишдан норози эканлигини билдирди.

Ариза юзасидан олиб берилган ўрганишлар давомида куйидагилар аниқланди: СВОЖДЛКК Департаменти Шаҳрихон шаҳар бўлими ходимлари томонидан 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли Қарори талаблари ижросини ўрганиш мақсадида текшириш ишлари ўтказилган. Текшириш якунида бир нусха далолатнома ту-

зиллиб, жами 38 хил турдаги 1.605.300 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган саноат моллари ашёвий далил сифатида олиб кетилган.

Ушбу текширув чоғида Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сонли «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони нинг 3-банди талаблари бузилган, яъни ушбу текширув Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашидан рухсатнома олинмаган ҳолда амалга оширилган ва ижро этилган.

Бундан ташқари, СВОЖДЛККК Департаменти Шаҳрихон шаҳар бўлими ходимлари томонидан текшириш ўтказиш давомида Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигида 2001 йил 15 май кунини 917-1-сон билан рўйхатга олинган «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг талаблари ҳам бузилган, яъни Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси то-

тувчи субъект раҳбарига (яққа тартибдаги тадбиркорга) уларни олганлиги ҳақидаги тилхат асосида топширилиши ва текширув натижалари юзасидан тузилган далолатноманинг бир нусхаси текширувчи ҳўжалик юритувчи субъект иктиёрида қолдирилмаган.

Аниқланган ҳолат юзасидан

ҲИМОЯ



Зиё маскани



«ЎзДЭУавто» заводи ишчилари



«Андижон кабель» заводи ёшлари



Саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» мухбири Шухрат МУСАЕВ тайёрлади

